

А Ж Р И М

(Ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2024 йил октябрь ойининг 31 куни жиноят ишлари бўйича Бахмал туман судининг очик сайёр суд мажлиси, Бахмал тумани Дўстлик МФЙ биносида бўлиб,

Раислик қилувчи М.Эрназаров,

Судья ёрдамчиси С.Икрамовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси туман прокурори ёрдамчиси И.Нормамаатовнинг иштирокида, дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан гумон қилинувчи Тиловов Олим Абдурайимовичга нисбатан 1-1304-2401/91-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Тиловов Олим Абдурайимович (Tilovov Olim Abdurayimovich) – 1970 йил 29 август куни Бахмал туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оилали, икки нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Бахмал тумани, Истиклол МФЙ, Шўрбулоқ қишлоғида яшайди.

Суд иш ҳолатлари билан танишиб, гумон қилинувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, прокурор ёрдамчиси ва ҳимоячининг фикрини эшитиб, ишда тўпланган далилларни муҳокама қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Гумон қилинувчи Тиловов Олим Абдурайимович 2024 йил 07 сентябрь куни соат 20:00 ларда ўзига тегишли бўлган “DAMAS” русумли, 25 J 859 FA давлат рақамли автомашинани Бахмал тумани, Музбел МФЙ ҳудудидан ўтган 4 P 238 “Самарқанд-Булунғур-Турон-Алами” автомобиль йўлининг 6 км.да “Алами-Турон” йўналишида бошқариб бораётиб, йўлни ўзига нисбатан чапдан ўнгга кесиб ўтаётган пиёда З.Қаюмовани уриб юбориб, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 135-банди 2-қисми “кўзи қамашган хайдовчи авария ишораларини ёқиши, ҳаракатланиш бўлагини ўзгартирмасдан тезликни камайтириши ва тўхташи кераклиги” тўғрисидаги талабларни қўпол равишда бузиб, йўл транспорт ҳодисасини содир қилган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 30.09.2024 йилдаги № 706-сонли хулосасида З.Қаюмованинг йўл транспорт ходисаси натижасида олган тан жароҳатининг оғирлик даражаси “Ўртача оғирликдаги шикастлар” деб баҳоланган.

Гумон қилинувчи О.Тиловов судга ариза билан мурожаат қилиб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрорлиги, қилган ишидан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчи З.Қаюмовага етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаганлиги, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини ҳамда улар билан ҳеч бир тазйиксиз ихтиёрий равишда ярашганлиги сабабли жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.



Жабрланувчи З.Қаюмова судга ариза билан мурожаат қилиб, гумон қилинувчи О.Тиловов билан ҳеч бир тазйиксиз, ихтиёрий равишда ярашганлигини, у етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини, ярашув тўғрисидаги аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, шу сабабли унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, гумон қилинувчи О.Тилововни жиноий жавобгарликдан озод қилиб, унга нисбатан юритилган жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 66¹-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс “агар у ўз айбига иқроп бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва иш бўйича етказилган зарарни бартараф этса, шахс ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин” деб кўрсатилган.

Ушбу иш бўйича О.Тиловов айбига тўлиқ иқроп, жабрланувчининг даъвоси йўқ, етказилган зарар тўлиқ қопланган ва давлат манфаатларига зарар етказилмаган.

Суд, жабрланувчилар З.Қаюмованинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан бирга ўрганиб, прокурор ва ҳимоячининг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш тўғрисидаги фикрини тинглаб, О.Тилововнинг айбига ихтиёрий иқроплиги, етказилган зарарни тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчиларнинг даъвоси йўқлиги, давлат манфаатларига зарар етказилмагани, ярашув тўғрисидаги аризалар ихтиёрий равишда алоҳида хонага киришдан олдин тақдим этилгани, жабрланувчи З.Қаюмованинг ҳамда гумон қилинувчи О.Тилововга бирон бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув уларнинг хоҳишлари билан бўлаётганлиги, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини, жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси асосида тугатиш учун монелик қиладиган ҳолатлар мавжуд эмас деб топиб, ярашганлик тўғрисидаги аризаларни қабул қилишни ва жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим деб топди.

Шу билан бирга, суд жабрланувчилар З.Қаюмовага Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Суд, иш юзасидан жабрланувчиларга етказилган моддий зарарни қоплаб берилганлиги сабабли муҳокамадан қолдиришни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ва ЖПКнинг 582, 583, 585, 586-моддаларига асосан, суд



А Ж Р И М:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисми билан Тиловов Олим Абдурайимовичга оид жиноят иши тарафлар ярашганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосан айблилик масаласи ҳал қилинмасдан тугатилсин.

Жабрланувчига етказилган зарар тўлиқ тўлаб бартараф этилганлиги инобатга олинсин.

Жабрланувчилар З.Қаюмоваларга Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 583-моддасида қайд этилган суд ярашувни тасдиқласа мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида шикоят бериш ҳуқуқи йўқлиги тушунтирилганлиги қайд этилсин.

Ажримдан норози тарафлар ўн сутка ичида апелляция тартибида ушбу муддат ўтказиб юборилса кассация тартибида шу суд орқали Жиззах вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига хусусий шикоят беришга, прокурор хусусий протест келтиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи

М.М.Эрназаров

Маъсул судья: Эрназаров Максуд Маматкулович

